

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 15

«**29**» август 2022 йил

Дангара тумани

“ТЕМУР ОТА-ТБЗ” Х.И.Ч.С. бундан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи, амалдаги корхона низомига асосан корхона рахбари **З.Солиев** бундан буён матнда «Буюртматчи» деб юритилувчи амалдаги низомига асосан Дангара тумани ХТ рахбари А.Содиков шахсида иккинчи тарафдан куйидагилар тұғрисида ушбу шартномаси түздилар.

### 1. Шартнома предметі.

1.1. «Пудратчи» үз зиммасига «Буюртматчи» нинг топширигига күра үз материаллари ёки «Буюртматчи» нинг материалларидан Дангары тумани ХТ га карашли 23-мактабнинг жорий таъмирлаш ишларини бажаришни, «Бош пудратчи» эса бажарилган ишларни кабул килиб олиш ва уларга хак тулаш мажбуриятини олади.

### 2. Шартнома баҳоси

2.1. Шартнома баҳоси **134500000( Бир юз уттиз турт миллион беш юз минг ) сүмни ташкил этади.**

2.2.Шартнома баҳоси үз ичига қурилиш материалларини ҳам олади.

2.3.Шартноманинг 2.1-бандида күрсатилған баҳо тахминийдир. Шартноманинг баҳоси «Буюртматчи» тақдим қиласынан лойиха-смета хужжатлари бүйича белгиланади. Шартноманинг баҳоси тарафларнинг хар иккаласи томонидан маңқулланиб, инфляция оқибатларига күра үзгариши мүмкін. Шартнома баҳосидан ошиб кетиш билан боғлик харажатларни ҳак тұлаш ушбу шартноманинг 3-бандида назарда тутилған тартибда «Буюртматчи» томонидан амалга оширилади.

### 3. Тұлов шартлары

3.1.Тұлов шакли пул үтказиш (перечисление) асосида бўлади.

3.2.Шартнома бўйича охирги хисоб-китоб «Пудратчи» томонидан охирги бажарилған ишлар хужжатлари олдинги қабул қилинган бажарилған ишлар хужжатлари ва қурилиш-таъмирлаш ишлари банк назоратидан үтгандан кейин, кечиктирилмай (бунга ишни қабул қилиб олиш жараённида аникланган камчиликларни бартараф қилишни ҳам қўшиб) «Буюртматчи» томонидан амалга оширилади.

“Пудратчи” томонидан бажарилған қурилиш ишлари тұлови банк назорати ўлчовидан тўлиқ үтгандан кейин «Буюртматчи» томонидан амалга оширилади.

### 4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари.

4.1. «Пудратчи» ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилған, белгиланған иш режасида назарда тутилған (илова қилинади) муддатда бажарилади.

4.2. Шартноманинг амалда бўлиш муддати: «**29**»август 2022 йилдан бошланади, «**31**» декабрь 2022 йилга кадар амал килади.

### 5. Тарафларнинг мажбуриятлари.

#### 5.1. «Пудратчи».

5.1.1.«Пудратчи» бажарилған қурилиш ишларни хужжатларини «Буюртматчи» га топширади.

5.1.2. Үз кучи ва воситаси билан белгиланған хажмда ва муддатда назарда тутилған барча ишларни тұла бажаришни ва тегишли лойиха хужжатларидаги холатда «Бош пудратчи» га объектни қуриш-таъмирлаш ишларини үз вактида сифатли қилиб, КМҚ меъёрий қоидаларига ва техника-электр-транспорт хавфсизлигига ҳамда меҳнат муҳофазасига амал қилған ҳолда топшириши.

5.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлған материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, таҳлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши.

5.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субподряд шартномаларини тузгани тұғрисида «Буюртматчи» га ахборот бериши ва у томонидан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши.

5.1.5.Техника хавфсизлик, ёнгин хавфсизлиги, объектларни күриклаш бўйича зарурий чоратадбирларнинг бажарилишини таъминлаши.

## **5.2. «Буюртматчи»**

5.2.1. Ушбу шартноманинг 1-бўлумида назарда тутилган ишларда шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда «Пудратчи»га ҳак тұлаши.

5.2.2. «Пудратчи»дан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб икки хафта ичиде объектни қабул қилиши шарт.

## **6. Тарафларнинг жавобгарлиги**

6.1. «Буюртматчи» кўрсатилган хизматлар ҳаққини ўз вактида тўламаганлиги учун «Пудратчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0.4% миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлади.

6.2. «Пудратчи» хизмат кўрсатиш муддатларини кечиктирганда, шартнома бўйича ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаган холларда «Буюртматчи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдорида пеня тўлади, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси берилмаган товарлар баҳосининг 50%дан ошиб кетмаслиги лозим.

6.3. Пеня тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки бузилган хукуқни бартараф этишдан озод этмайди.

## **7. Форс мажор холатлари.**

7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида шу шартнома бўйича олган мажбуриятларини, тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган холатлар, бунга қўшиб уруш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги, фуқаролик тартибсизлиги вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер қимираши, сув босиши, ёнғин ва бошқа табиий оғатлар билан боғлиқ холда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси хукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлари томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиги хисобланади.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар уч ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, «Буюртматчи» ва «Пудратчи» бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниши мумкин.

## **8. Низоларни ҳал қилиш тартиби.**

8.1. Тарафларнинг ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иктисадий судида кўрилишига тегишли бўлади.

## **9. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар.**

9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равища расмийлаштирилиб, ҳар икки тараф имзолаган холлардагина ҳакиқий кучга эга бўлади.

9.2. Шартноманинг муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

### **9.3. «Буюртматчи» қуйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳақли:**

-«Пудратчи»нинг айби билан ишларни боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан ошиб кетганда.

-«Пудратчи»нинг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда

### **9.4. «Пудратчи» қуйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳақли:**

-«Буюртматчи» томонидан «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича курилиш-монтаж, таъмирлаш ишларининг бир ойдан ошидиган муддатга тўхтатиб турганда.

«Буюртматчи» томонидан лойиха хужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ холда ишларнинг баҳоси \_x\_ фоиздан камайганда.

-«Буюртматчи» томонидан кейинчалик қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаш имконияти йўқотилганда.

9.5. «Буюртматчи» ва «Пудратчи»нинг бодликлигидаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда. «Буюртматчи» «Пудратчи»га улар томонидан аникланган бажарилган ишларнинг хажми қийматини тўлайди.

9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

10.1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя етилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

10.2. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга хилоф равища пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши евазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги хақида таъссурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир етмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

10.3. Тарафлар-давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар орқали) содир етилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равища тижорат ёки бошқа русдаги устунликка ега бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф етилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга хилоф равища олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдаи оиинган даромад еканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли бииан уриинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблаглари ёки бошқа мол-мulkнинг асл хусусиятини, манбаини, турған жойини, тасарруф етиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мulkка бўлган хақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундан, тазиик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

10.4. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказища, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб борища, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат етиш хусусиятига ега бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини қўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларниг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнииг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилік доирасыда амалға оширгай хизматлари учун белгиланған хак миқдоридан ассоциз равишда ортиқча тұловларни амалға оширмаслиқ.

10.5. Тарафлар уларнинг назорати остида боиган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши құшымча шартларда белгиланған мажбуриятлар бузилғанлиги ҳолатлари хақида хабар берилғанлиги учун уларга тазийк үтказилмаслигини кафолатлайдилар.

10.6. Агар бир тарафға бошқа тарафнинг коррупцияга қарши құшымча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланған мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хақида зудлик билан ҳабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалға оширилган ишлар юзасидан унга ҳабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки куриб чиқиш натижалари хақида ҳабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тұхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга хақли.

## 11. Бошқа шартлар.

11.1. Объектлар ва унга киравчи инженерлик тизимлари, жихозлар материаллар ҳамда ишчиларнинг меъёрида ишлашга кафолатланған муддати, унинг учинчи шахслар тарафидан кўзланған ниятда шикаст етказган холларда бундан истисно қилинади, объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 12 ой давомида белгиланади.

11.2. Объектни ёпишга кафолатланған муддат 12 ой.

11.3. Агар объектнинг кафолатланған фойдаланиш давомида унинг меъёрида фойдаланишга йўл бермайдиган камчиликлар аниқланса, кафолат муддати улар бартараф қилингунга қадар бўлган вақтга узайтирилади. Камчиликларни бартараф қилиш «Пудратчи» хисобидан амалға оширилади.

11.4. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф қилиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртматчи» нинг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

11.5. Агар «Пудратчи» аниқланған камчиликлар далолатномасида кўрсатилган муддат ичида бажариладиган ишларнинг бунга жихозларни ҳам қўшиб, камчиликларни бартараф қилмаса, уларнинг «Буюртматчи» бошқа бажарувчининг кучи билан харажатларни «Пудратчи»га тўлатиши орқали бартараф қилишга хақли.

11.6. «Пудратчи» курилиш-таъмирлаш объективининг лойиха хужжатларини ёки унинг айrim қисмларини «Буюртматчи» ёзма рухсатисиз бирорта учини шахсларга сотиш ёки бериш хуқуқига эга эмас.

11.7. «Пудратчи» нинг айби билан объектни қуриш таъмирлаш натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар «Пудратчи» томонидан, «Буюртматчи» нинг айби билан бўлса, «Буюртматчи» томонидан товон тўлайди. «Пудратчи» барча холларда, хатто тегишли харажатларни буюртмачи қоплаган тақдирда ҳам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларни куради.

11.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

## ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ.

### «Пудратчи»

“ТЕМУР ОТА-ТБЗ” Х.И.Ч.С.Ф

Дангарा тумани Тошкент шаҳри МФЙ

Теле: +99-304-26-46

Капитал банк Куқон шаҳар

х/р: 2020800004324551001

МФО: 01087 ИИН: 204927522



### «Буюртматчи»

Дангарा тумани ХТБ

Дангарा тумани Фуркат кучаси 7 уй

х/р 100222860302367092100075048

ин;200164961 ОКОНХ;97600

Марказий банк Тошкент шаҳри

Молия вазирлиги тазначилиги

х/р23402000300100001010

МФО 00014 ин;201122919

Имзо: З.Солиев

М.У.

Имзо: А.Содиков

М.У.



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

### "TEMUR OTA-TBZ" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'reatilgan holdagi to'liq nomi)

### "TEMUR OTA-TBZ" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

19.03.2012

125

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

204927522

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Xususiy korxona

Joylashgan joyi:

Farg'ona viloyati, Dang'ara tumani, QASHQAR MFY QASHQAR  
QISHLOG'I IJODKOR KO'CHASI ,

Guvohnoma:

Farg'ona viloyati, Dang'ara tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Дангара тумани Халқ таълими  
булими бошлиғи

 А.А.Содиков

Дангара тумани Халқ таълими булими тасарруфидаги 23-мактаб укув биноларини жорий таъмирлаш ишлари учун ажратилган бюджет маблагларидан самарали фойдаланиш юзасидан утказилган комиссиянинг йигилиши

### 15 - СОНЛИ ЙИГИЛИШ БАЁНИ

2022 йил-29 сентябрь

Дангара шаҳри

Л.Юлдашев

-Махсус таъмирлаш-экспулататсия хизмати бош мухандиси

Ж.Норқузиев

-Бош хисобчи

Р.Хасанов

-ХТБ бош иктисадчиси комиссия аъзоси

З.Йигиталиев

-Товар моддий бойликлар хисобчиси танлов комиссияси аъзоси

А.Мириминов

-ХТБ мудир уринбосари комиссия аъзоси

#### Йигилиш кун тартибида куриладиган масала:


Дангара тумани ХТБ га карашли 23- умумий урта таълим мактаби биноларини буюudget маблаглари хисобидан жорий таъмирлаш учун утказилган электрон эълон натижалари тугрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Дангара тумани Халқ таълими бўлим буюudget маблаглари хисобидан жорий таъмирлаш учун утказилган электрон элонга раислик килувчи А.Содиков сузга чикиб, ушбу элон Узбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тугрисидаги конун асосида шаффоф ва хакконий утканлигини айтиб утди. Шундан сунг Узбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тугрисидаги конуннинг 62-модда 7-хат бошида курсатилгандек, Давлат буюуртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган мухокама натижалари тугрисидаги ахбарот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлис баённомаси расмилаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичida давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштириш лозим эканлигини яна бир бор такидлаб утди. Мухокама муддати якунига етгандан сунг бошка катнашчилар томонидан хеч кандай этиrozлар келиб тушмаганлигини инобатга олиган холда йигилиш хайати:

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Мухокама муддати якунига кадар бошка катнашчилар томонидан этиrozлар хеч кандай этиrozлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб “ТЕМУР ОТА-ТБЗ”Х.И.Ч.С.Фни йигилиш хайати голиб деб элон килинсин.


2. Голиб деб топилган катнашчи “ТЕМУР ОТА-ТБЗ”Х.И.Ч.С. билан конунчиликда белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштириб маблагларни тулаб бериш чоралари курилсин.

Л.Юлдашев 

Ж.Норқузиев 

Р.Хасанов 

З.Йигиталиев 

А.Мириминов 



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
DANG'ARA TUMAN ADLIYA BO'LIMI  
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150500, Dang'ara tumani, Toshkent ko'chasi, 150-uy  
Tel.: (998 73) 572 17 78, el. pochta: dangara.t-yurmarkaz@adliya.uz

“29” sentyabr 2022 yil.

Dang'ara tumani Xalq ta'lifi  
bo'limiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA.

1. Loyihaning turi:

**15-sonli XO'JALIK SHARTNOMASI.**

2. Loyihaning nomi:

**"TEMUR OTA TBZ" XICHS tomonidan Dang'ara tumani Xalq ta'lifi  
bo'limiga 134.500.000 (bir yuz o'ttiz to'rt million besh yuz ming) so'mlik 23-  
muktab binosini joriv ta'mirlash xizmati ko'rsatish to'g'risida.**

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

**Dang'ara tumani Xalq ta'lifi bo'limi**

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjalari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi, O'zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to'g'risida”gi qonunlari asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuriskonsulti



B.Ergashev